

ХУҚУҚБУЗАРЛИКЛАР ПРОФИЛАКТИКАСИ ФОЛИЯТИДА ЖАМОАТЧИЛИК НАЗОРАТИНИНГ ЎРНИ

Мўминов Мамарахим Алишер ўғли

Аннотация: Ушбу мақолада ҳуқуқбузарликлар профилактикасида жамоатчилик назоратининг ўрни унинг моҳияти ва ўзига хос хусусиятлари шунингдек асосий йўналишлари, усул ва шакллари, хорижий давлатлар тажрибаси ва уларнинг таҳлили, ушбу фаолиятдаги муаммо ва камчиликлар ҳамда уларнинг ечимлари юзасидан таклиф ва тавсиялар ёритилган.

Annotation: This article describes the role of public control in the prevention of crimes, its essence and specific features, as well as its main directions, methods and forms, the experience of foreign countries and their analysis, problems and shortcomings in this activity, and suggestions and recommendations regarding their solutions.

Ўзбек халқининг миллий қадриятларига асосланган ҳолда инсон манфаати, уларнинг ҳуқуқ ва эркинликларини, уларнинг тинч ва осойишта, фаровон ҳаёт кечиришларини таъминлаш ҳар қандай шароитда, хусусан жиноятчиликка қарши курашишда давлат сиёсатининг асосий, устувор йўналиши бўлиб келмоқда.

Халқимизнинг муқаддас ва азалий, авлоддан-авлодга ўтиб келаётган, улуғ аجدодларимиз ҳаёти ва фаолиятининг асосий мезони ҳамда инсонийлик билан йўғрилган ўзбек халқи маънавиятининг ажралмас қисми бўлган ватанпарварлик, халқпарварлик, адолат, ҳақиқат, инсонпарварлик, кечиримлилик, раҳмдиллик, меҳр-шафқат, бағрикенглик, инсофу-диёнат каби хислатлари миллий урф-одатларимиз замирида мужассам бўлган. Инсонни улуғлаш, оила, ота-она ва фарзанд муқаддаслиги, тинч ва осойишта ҳаёт, дўстлик ва тотувликни қадрлаш, турли муаммоларни

биргалашиб ҳал қилиш каби кадриятларга асосланган. Жамоатчилик назорати узоқ тарихга эга бўлса ҳам, уни илмий тушунча сифатида фанга ижтимоий кирган. Мазкур тушунча жинойтчининг хулқ-атворини меъёрий қоидалар доирасига қайтариш учун қўлланиладиган усуллар мажмуини ифодалаган. Мазкур тушунча жинойтчининг хулқ-атворини меъёрий қоидалар доирасига қайтариш учун қўлланиладиган усуллар мажмуини ифодалаган. Жамоатчилик назорати, биринчи навбатда, ҳуқуқни муҳофаза қилувчи ва назорат идоралари, молия, банк, таълим, соғлиқни сақлаш, коммунал хўжалик, энергетика ва транспорт соҳаларида жорий этилиши зарур. Шунингдек, бозорлар ва савдо мажмуаларидаги маҳсулотлар ва хизмат кўрсатиш сифати каби масалалар ҳам доимо жамоатчилик назоратида бўлиши даркор. Жамоатчилик назорати тушунчаси ва моҳияти Жамоатчилик назорати давлат ҳокимияти ва бошқаруви органлари, уларнинг мансабдор шахслари фаолияти устидан жамоатчилик назорати субъектининг шахсий ташаббуси, шунингдек юридик ва жисмоний шахсларнинг мурожаати бўйича, жамоатчилик назорати субъектининг қарорига асосан амалга оширилади. Жамоатчилик назоратини амалга ошириш ҳуқуқига белгиланган қонунчилик асосида адлия органлари ва бошқа давлат органлари тамонидан давлат рўйхатидан ўтган ва фаолиятини тегишли ҳудудда амалга ошираётган фуқаролик жамияти институтлари эга бўладилар. Жамоатчилик назорати тушунчаси ва моҳияти. Юқоридагилардан келиб чиқиб айтиш мумкинки, фуқаролик жамияти институтлари бугунги ва эртанги кунимизга ҳар қачонгидан ҳам масъулият билан қарайдиган, халқимизнинг орзу-умидларини рўёбга чиқаришда амалий ишлари билан ёрдам беришга шай ташкилотлар мажмуаси сифатида жамоатчилик назоратини амалга оширишда ишончли ҳамкор бўлаолади. Юртбошимиз томонидан илгари сурилган концепцияда белгилаб берилганидек, мамлакатимизда фуқаролик жамияти институтлари ривожининг янги босқичини бошлаб беради, миллий давлатчилигимиз тараққиётида тарихий бурилиш яшаш билан бирга фуқароларимизда юрт

равнақи ва фаровонлигига дахлдорлик ҳиссини кучайтиради ҳамда уларнинг ижтимоий фаоллигини оширади. Конституциямизда давлатимиз ижтимоий давлат экани мустаҳкамлаб қўйилган. Жамоатчилик назорати давлатнинг ижтимоийлигини таъминлайдиган муҳим омилдир. Жамоатчилик назорати бўлмаган давлатни ижтимоий давлат деб бўлмайди. Жамоатчилик назорати қанчалик кучли бўлса, давлатнинг ижтимоийлик даражаси шунчалик юқори бўлади. Конституциямизда давлатимиз ижтимоий давлат экани мустаҳкамлаб қўйилган. Жамоатчилик назорати давлатнинг ижтимоийлигини таъминлайдиган муҳим омилдир. Жамоатчилик назорати бўлмаган давлатни ижтимоий давлат деб бўлмайди. Жамоатчилик назорати қанчалик кучли бўлса, давлатнинг ижтимоийлик даражаси шунчалик юқори бўлади.

Жамоатчилик назорати: қонунийлик; фуқароларнинг ҳуқуқлари, эркинликлари ва қонуний манфаатлари устуворлиги; иштирок этишнинг ихтиёрийлиги; амалга оширишнинг оммавийлиги ва очиклиги; жамоатчилик назорати субъектларининг холислиги ва беғаразлиги; натижаларининг ишончилиги; давлат органлари, уларнинг мансабдор шахслари фаолиятига асоссиз аралашувга ва уларга ғайриқонуний таъсир кўрсатишига йўл қўйилмаслиги каби принципларга асосланади¹. Давлат органларига мурожаатлар ва сўровлар; давлат органларининг очик ҳайъат мажлисларида иштирок этиш; жамоатчилик муҳокамаси; жамоатчилик эшитуви; жамоатчилик мониторинги; жамоатчилик экспертизаси; жамоатчилик фикрини ўрганиш; фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари томонидан давлат органлари мансабдор шахсларининг ҳисоботлари ва ахборотини эшитиш жамоатчилик назорати шакллари ҳисобланади. Жамоатчилик назорати қонун ҳужжатларига мувофиқ бошқа шаклларда ҳам амалга оширилиши мумкин. Жамоатчилик назоратининг натижаларига кўра баённома, хулоса, маълумотнома шаклида ёхуд қонун

¹ Ўзбекистон Республикасининг 12.04.2022 йилдаги «жамоатчилик назорати тўғрисида»ги Қонуни.

хужжатларида назарда тутилган бошқа шаклда якуний хужжат тайёрланиши мумкин. Унда баён этилган ахборот, тавсия ва таклифлар давлат органлари томонидан мажбурий тартибда кўриб чиқилади ҳамда улар юзасидан қонуний қарорлар қабул қилинади. Жамоатчилик назорати жамоатчилик кенгашлари, комиссиялари ва бошқа жамоатчилик ташкилий тузилмалари томонидан ҳам амалга оширилиши мумкин. Жамоатчилик назорати мамлакатимизда амалга оширилаётган демократик ислохатларнинг самараси ва муваффақиятини таъминлашда асосий воситалардан бири сифатида майдонга чиқади. Шундай экан, жамоат ташкилотлари томонидан амалга ошириладиган жамоатчилик назоратининг моҳияти, мазмуни ва шакллари, услубларини ҳамда у қандай ҳолатларда намоён бўлиши тўғрисидаги назарий ва амалий масалаларни тадқиқ этиш бугунги кунда олимлар олдида турган долзарб масалалардан бири эканлигини эътироф этиш жоиз. Таъкидлаш жоизки, ушбу масалалар мамлакатимиз ва хорижлик олимлар томонидан тадқиқот объекти сифатида муайян даражада ўрганилиб келинмоқда. Дарҳақиқат, бугун мамлакатимизда нодавлат ташкилотлари фуқаролар ўзини ўзи бошқариш органларининг ўрни ва аҳамиятини кучайтиришга алоҳида эътибор қаратилмоқда. Айни чоғда нодавлат тузилмаларининг, биринчи навбатда, демократик қадриятлар, одамларнинг ҳуқуқ ва эркинликлари, қонуний манфаатларини ҳимоя қилиш, давлат ҳокимияти органлари ва ҳуқуқ-тартибот идоралари фаолияти устидан тўрачилик ҳамда коррупцияга қарши курашнинг самарали воситаси бўлган жамоатчилик назоратини кучайтиришдаги ўрни ортиб бораётир. Негаки, жамиятимиз ривожлангани, юксак босқичларга кўтарилгани сари давлатнинг кўпгина вазифалари, шу жумладан, назорат вазифаси ҳам, унинг роли ва аҳамияти ҳам тобора камайиб, у ўз ўрнини жамоат ва нодавлат ташкилотларига, фуқаролар уюшмалари ва идораларига бериши, бу жараён тўхтовсиз кучайиб бориши зарур. Мана шу йўлни биз учун ҳуқуқий демократик давлат ва фуқаролик жамияти куриш борасидаги ўзимиз танлаган, мустақиллик йиллари тажрибамизда синалган ягона тўғри йўл,

деб айтишга асосларимиз етарли. Шунини алоҳида таъкидлаш керакки, мамлакатимизда ҳуқуқий демократик давлат ва кучли фуқаролик жамияти барпо этиш ҳамда ривожлантириш бўйича кенг кўламли ишлар олиб борилаётган бир шароитда жамоатчилик назоратининг аҳамияти ниҳоятда каттадир. Чунки жамоатчилик назорати демократиянинг энг муҳим талабларидан бири бўлиб, у фуқаролар, оммавий ахборот воситалари, сиёсий партиялар, жамоат бирлашмалари, касаба уюшмалари сингари фуқаролик жамияти институтлари томонидан амалга оширилади. Унда асосий эътибор давлат ва ўзини ўзи бошқариш органлари фаолиятида қонун устуворлигини, мансабдор шахслар томонидан Конституция ҳамда қонунлар талабларининг сўзсиз бажарилишини таъминлашга қаратилади. Бу саъй-ҳаракатлар пировардида мансабдор шахсларнинг масъулияти ва жавобгарлигини кучайтириб, улар фаолияти самарадорлигини оширади. Қолаверса, жамоатчилик назорати давлат ҳокимияти ва фуқаролар ўртасида ўзаро муносабатларни яқинлаштириб, умумдавлат равнақига хизмат қилади².

Маълумки, жамоатчилик назорати мамлакатимизда тарихий илдизларга эга. Чунинчи, у азал-азалдан маҳаллалар, оқсоқоллар кенгаши кўринишларида амал қилиб келган. Жумладан, ҳар бир оилада ота-оналар томонидан фарзандлар тарбиясига бефарқ бўлмаслик, огоҳ бўлишликка бу фазилатлар сингдирилган ва жамоатчилик назоратини амалга оширишда фарзандларнинг масъулияти маълум бир меъёрлар билан белгилаб берилган. Ёши улуғ кексаларимизнинг айтишича, азал-азалдан бирор бир маҳаллага ноганиш киши ёки меҳмон кириб келса, унга “Кимсиз?”, “Қаердансиз?”, “Қандай юмуш билан маҳалламизда юрибсиз?” каби саволлар берилган ва бу ҳолат жамоатчилик назорати сифатида намоён бўлган.

² Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2018 йил 14 февралдаги ПҚ-3528-сон Қарори.

Айни чоғда мустақиллик йиллари дажамоатчилик назоратига фуқаролик жамиятини барпо этишнинг муҳим институти сифатида алоҳида эътибор берилмоқда.

Жамоатчилик назоратига оид қоида ва нормалар мамлакатимизнинг амалдаги 30 дан ортиқ қонунларида, шу жумладан, “Сиёсий партиялар тўғрисида”ги, “ННТ тўғрисида”ги, “Фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари тўғрисида”ги, “Қасаба уюшмалари, уларнинг ҳуқуқлари ва фаолиятининг кафолатлари тўғрисида”ги, “Истеъмолчиларнинг ҳуқуқларини ҳимоя қилиш тўғрисида”ги қонунлар, шунингдек, соғлиқни сақлаш, экологияга оид бошқа қонун ҳужжатларида ўз аксини топган.

Юртбошимиз томонидан илгари сурилган Концепцияда қайд этилганидек, жамоатчилик назоратининг турлари, шакллари белгилаб олиш айни заруратдир. Қонун лойиҳасида асосий тушунчаларни изоҳлаш, жамоатчилик назоратининг предметини, унда фуқароларнинг ҳуқуқ ва мажбуриятларини, шунингдек, бундай назоратни амалга оширишда давлат ҳокимияти ва мансабдор шахсларнинг ҳуқуқларини ҳимоялаш, жамоатчилик назоратини амалга ошириш талаб ва қоидаларини аниқ белгилаб қўйиш мақсадга мувофиқ. Зеро, жамоат назорати давлат хизматчилари ёки органларининг Конституция ва қонунларга, фуқароларнинг ҳуқуқ ва эркинликларига дахлдор ҳужжатларга риоя этилишини жамоатчилик тартибида ўрганишни назарда тутди.

Шу билан бирга, қонуннинг амал қилиш доирасини аниқ белгилаб қўйиш муҳим аҳамиятга эга. Мисол учун, ушбу қонун солиқ, валюта, банк, суғурта, транспорт, ҳаракат хавфсизлиги, экология, санитария-гигиена, божхона, ҳуқуқ-тартибот идоралари фаолияти бўйича жамоатчилик назоратини амалга ошириш муносабатларини қамраб олиши зарур. Айни пайтда қонун билан жамоатчилик назоратини юритувчи асосий тузилмаларни белгилаб қўйиш талаб этилади. Хусусан, юртимизнинг кўзга кўринган давлат ва жамоат арбоблари, олимлар, ижтимоий-сиёсий ташкилотлар, жамият ҳаётида муҳим ўринга эга муассасалар, корхоналар,

ташкilotлар раҳбарларидан иборат бўлган таркибда ягона мустақил тузилмани ташкил этиш муҳим аҳамиятга эга. Шу билан бирга, жамоатчилик назоратини амалга ошириш, уни расмийлаштириш, жамоатчилик назорати натижаларини муҳокама қилиш, назорат тадбири амалга оширилганда аниқланган камчилик ва хатолар бўйича тегишли чора-тадбирлар кўриш механизмини мустаҳкамлаш талаб этилади. Таъкидлаб ўтиш жоизки, бугунги кунда профилактика инспекторининг фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари билан ҳамкорлигини самарали ташкил этишга тўсқинлик қилувчи бир қанча омиллар мавжудки уларни бартараф этмай туриб керакли натижаларга эришиб бўлмайди.

Мухтасар қилиб айтганда, давлат ва жамият бошқарувида фуқаролик жамияти институтларининг иштироки, *биринчидан*, нодавлат ноижорат ташкilotларининг давлат томонидан ҳар томонлама қўллаб-қувватланиши, *иккинчидан*, жамоат назоратини амалга ошириш, *учинчидан*, давлат органларининг айрим ваколатларини нодавлат ноижорат ташкilotлари ва ўзини ўзи бошқариш органларига аста-секин ўтказиб бориш, *тўртинчидан*, жамият аъзоларининг ижтимоий-сиёсий фаоллигини ошириш орқали таъминланади